



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT BOJXONA QO'MITASI  
BUYRUQ**

20\_\_yil “\_\_\_”\_\_\_\_\_

Toshkent shahri

No\_\_\_\_\_

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ПРИКАЗ**

04 08 2018 г.

г. Ташкент

No 522

1/3

**Давлат божхона хизмати органлари  
хузуридаги жамоатчилик кенгаши  
тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш  
ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари хузуридаги жамоатчилик кенгашилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори ва ДБҚнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори ижроси тўғрисида” 2018 йил 8 июлдаги 462-сон буйруғи ижросини таъминлаш ҳамда Давлат божхона хизмати органлари хузуридаги жамоатчилик кенгаши ишини ташкил этиш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

**1. Куйидагилар:**

Давлат божхона хизмати органлари хузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат божхона хизмати органлари хузуридаги жамоатчилик кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Давлат божхона хизмати органлари хузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси (Д.Кудридинов) – кенгаш йигилиши ўтказилиб, ташкилий масалалар келишиб олинсин ва кенгаш иш режаси ишлаб чиқилсин.**

**3. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (Н.Саломов) – Давлат божхона хизмати органлари хузуридаги**

жамоатчилик кенгашининг фаолияти ДБҚ расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда мунтазам равишда ёритиб борилсин.

4. ДБҚ марказий аппарати таркибий тузилмалари, худудий бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБҚ, Олий ҳарбий божхона институти бошлиқлари ва Миллий кинология маркази директори:

ушбу буйруқнинг шахсий таркиб томонидан ўрганиб чиқилишини ташкил этсинлар;

жамоатчилик кенгashi сўровларига қўра зарур маълумотлар, статистик ҳисоботлар ва бошқа материалларнинг ўз вақтида кенгашга тақдим этилиши таъминлансин.

5. ДБҚнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси жамоатчилик маслаҳат кенгашини ташкил этиш тўғрисида” 2016 йил 24 ноябрдаги 332-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (Х.Сатторов) – ушбу буйруқ 1 кун муддатда худудий бошқармалар ва “Тошкент-АЭРО” ИБҚ, Олий ҳарбий божхона институти ва Миллий кинология марказига етказилиши таъминлансин.

7. ДБҚ Юридик бўлими (А.Дўстёров), худудий бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБҚ, Олий ҳарбий божхона институти ва Миллий кинология марказининг Юридик хизматлари томонидан ушбу буйруқнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилсин.

8. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш ДБҚ марказий аппарати таркибий тузилмалари, худудий бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБҚ, Олий ҳарбий божхона институти бошлиқлари ва Миллий кинология маркази директори, умумий назорати Раиснинг биринчи ўринbosари Ж.Арипов, Раис ўринbosарлари М.Салиев, А.Асамов ва Г.Шукurov зиммасига юклансин.

**Раис,**  
**божхона хизмати генерал-майори**



**М.Азимов**

ДБҚнинг 2018 йил 04 августдаги  
522-сон буйруғига 1-илова

**Давлат божхона хизмати органлари ҳузуридаги  
жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом божхона органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда – жамоатчилик кенгаши) асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.

3. Жамоатчилик кенгаши Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – ДБҚ) марказий аппарати ҳузурида ташкил этилади ва унинг фаолияти ДБҚнинг барча худудий ва таркибий тузилмаларига татбиқ этилади.

4. Жамоатчилик кенгаши ДБҚ Раисининг буйруғи билан ташкил этилади.

5. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

6. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

7. Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом ва унга киритиладиган ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар ДБҚ Раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

**2-боб. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари,  
функциялари, хукуқлари ва мажбуриятлари**

8. Куйидагилар жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

қабул қилинаётган норматив-хукуқий хужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва худудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хукуқлари ва конуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун хужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, Давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда – божхона органлари) зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат

хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича божхона органлари ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

биргаликда мулоқот қилиш, божхона органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун божхона органлари фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажариш;

фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан божхона органлари фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

божхона органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

божхона органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

божхона органлари фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

божхона органлари фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

божхона органлари ходимлари ва улар оиласарининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиши.

**9. Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:**

божхона органларининг фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташабbusлари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиша иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича божхона

органларига тегишли таклифлар киритади;

божхона органларининг фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қиласи, шунингдек, ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

божхона органлари фаолиятига тааллуқли унинг норматив-хуқуқий хужжатлари ва қарорларини такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек, киритилган таклифларни мазкур божхона органлари ходимлари ўртасида муҳокама қилишга багишланган тадбирларни ташкил этишда қатнашади;

давлат дастурлари лойиҳаларини, тадбирлар режаларини ва божхона органлари фаолиятига тааллуқли, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги бошқа хужжатларни ишлаб чиқиши юзасидан таклифлар тайёрлайди, қабул қилинган дастурларни амалга оширишда ваколатлари доирасида иштирок этади, бажарилган ишларнинг самарадорлигини таҳлил қиласи, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

божхона органлари раҳбарлари ва ходимларининг фуқаролар билан учрашувларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиши билан боғлиқ ишларни ташкил этишда, шу жумладан жойларга бориб ташкил этишда қатнашади, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказади;

божхона органлари ходимлари ва улар оиласидаги уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини яхшилашда, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашади;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилиш масалалари бўйича давлат органи ходимлари ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этади;

божхона органларининг барча таркибий тузилмаларида соғлом ишчанлик муҳитини ривожлантириш, қонунийликни, юксак хуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, ходимларда Ватанга содиклик руҳини ва қонунларга бўлган хурматни кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, руҳий ва маънавий-маърифий камол топтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий-маърифий ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

мамлакатда ва хорижда кенг жамоатчиликни божхона органлари фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда хабардор қилишни таъминлайди ҳамда мавжуд

муаммоларни ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

божхона органлари фаолиятига бағишлиланган илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра сұхбатларини ташкил этишда иштирок этади;

божхона органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қиласи, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қиласи.

10. Жамоатчилик кенгаши зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

божхона органлари томонидан ташкил этиладиган бўлажак очик ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

божхона органларининг барча таркибий тузилмалари бинолари (хоналари) ва бошқа обьектларини божхона органлари томонидан белгиланган тартибда бориб кўриш;

божхона органларининг барча таркибий тузилмалари раҳбарларига жамоатчилик кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиши;

божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган божхона органларининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;

божхона органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида, божхона органлари томонидан ишлаб чиқилган норматив-хукукий хужжатлар лойихаларининг жамоатчилик ва эксперtlар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига божхона органлари томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;

божхона органлари ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш хуқуқига эга.

Жамоатчилик кенгаши қонун хужжатларига мувофик бошқа хукуқларга

ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Жамоатчилик кенгаси ўз фаолиятини амалга оширишда:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя қилиши;

божхона органлари фаолияти билан боғлиқ қонун хужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;

божхона органлари ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

божхона органлари ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашибга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, маҳфийлигига риоя қилиши шарт.

Жамоатчилик кенгашининг зиммасида қонун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **3-боб. Жамоатчилик кенгашининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби**

12. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари киради.

13. Жамоатчилик кенгаси аъзолигига, қоида тариқасида, божхона органларида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Жамоатчилик кенгаси аъзоларининг сони чекланмаган.

14. Жамоатчилик кенгашининг таркиби божхона органлари Раисининг буйруғи билан ҳар 3 йилда тасдиқланади.

15. Кўйидаги ҳолатларда жамоатчилик кенгашининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан жамоатчилик кенгаси таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда, мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тугилган мажбуриятларни бажармаганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айлов хукми қонуний кучга киргандা;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

16. Жамоатчилик кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартишлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 кун ичida божхона органларининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

17. Жамоатчилик кенгашининг раиси:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларини чакиради ва кун тартибини белгилайди;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

жамоатчилик кенгашининг иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилади;

жамоатчилик кенгаши аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштиради;

божхона органларининг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни ДБҚ Раиси билан келишади;

жамоатчилик кенгаши қарорларини бажариш масалалари юзасидан ДБҚ Раиси билан ҳамкорлик қилади;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Жамоатчилик кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринbosари бажаради.

19. Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринbosари:

раис йўқлигига жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек, жамоатчилик кенгаши фаолиятига тааллуқли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишларини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Жамоатчилик кенгашининг котиби:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-хукуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, божхона органлари ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ жамоатчилик кенгashi мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

жамоатчилик кенгashi ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини жамоатчилик кенгашининг раиси билан келишади;

жамоатчилик кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни жамоатчилик кенгashi мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт хақида хабардор қиласди;

жамоатчилик кенгashi қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини жамоатчилик кенгashi мажлисида кўриб чиқиши бўйича таклифлар киритади;

жамоатчилик кенгashi мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг жамоатчилик кенгashi аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Жамоатчилик кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳукуқига эга эмас.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, унинг аъзоси мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзолари:

ўз зиммаларига юқлатилган вазифаларни бажариш учун божхона органлари томонидан ташкил этиладиган ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

жамоатчилик кенгashi иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни жамоатчилик кенгashiда кўриб чиқиши учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

божхона органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишида ҳамда амалга оширишда қатнашади;

божхона органлари ходимлари, уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ўтказади ва уларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифларни жамоатчилик кенгashiiga киритади;

жамоатчилик кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ

мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Жамоатчилик кенгashi фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқилади. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар чорақда камида бир марта чақирилади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси жамоатчилик кенгashi аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин.

23. Жамоатчилик кенгашининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

24. Жамоатчилик кенгashi мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан жамоатчилик кенгashi аъзоларининг таклифлари ва жамоатчилик кенгashi раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

25. Жамоатчилик кенгашининг мажлисini унинг раиси олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринbosари олиб боради.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида ДБҚ Раиси, унинг ўринbosарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

26. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси, агар унда жамоатчилик кенгashi аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, жамоатчилик кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

27. Жамоатчилик кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган жамоатчилик кенгashi аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

28. Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Унинг фикри жамоатчилик кенгashi мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

29. Жамоатчилик кенгашининг мажлисида қабул килинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. Жамоатчилик кенгashi мажлисining баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда божхона органларига, жамоатчилик кенгashi аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади.

30. Жамоатчилик кенгашининг қарорини тезлик билан қабул қилиш зарурияти туғилганда, унинг раиси ташаббуси билан қарор жамоатчилик кенгашининг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Божхона органлари жамоатчилик кенгашининг қабул қилган карорига қўшилмаган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай унга асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

31. Жамоатчилик кенгашининг котиби кенгаш аъзолари кўмагида жамоатчилик кенгаси қарорлари ижросининг боришини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг раисига тегишли таклифлар киритади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

32. Жамоатчилик кенгашининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш божхона органлари томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

33. Жамоатчилик кенгашининг фаолияти унинг низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлиги ДБҚ Раиси томонидан назорат қилинади.

34. Жамоатчилик кенгашининг ва ДБҚ Раисининг жамоатчилик кенгаси фаолияти билан боғлиқ қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

ДБҚнинг 2018 йил 04 августдаги  
522-сон буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органлари  
хузуридаги жамоатчилик кенгаши  
ТАРКИБИ**

1. Д.Кудриддинов — **Жамоатчилик кенгашининг раиси,**  
Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари  
Уюшмаси аъзоси
2. И.Очилов — **Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Фахрийлар маркази кенгаши аъзоси
3. Б.Джумаев — **Жамоатчилик кенгаши аъзолари**  
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати  
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши  
Бош юрисконсультъи
4. С.Алимбаев — **Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари**  
Уюшмаси аъзоси
5. С.Арипов — **Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари**  
Уюшмаси аъзоси
6. Б.Турсунов — **Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари**  
Уюшмаси аъзоси
7. Х.Азизов — **Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари**  
Уюшмаси аъзоси
8. А.Темиров — **Жамоатчилик кенгашининг котиби**  
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши  
аппарати Йшлар бошқармаси бошлиғи

*Изоҳ. Жамоатчилик кенгашининг раиси, жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари ва қолган аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, кенгаши таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўймитаси томонидан Жамоатчилик кенгашига қўшимча мутахассислар жсалб этилиши мумкин.*